

Problems of Complex Insurance of Foreign Investments in Uzbekistan and Ways to Overcome Them

Khoshimov S. M.¹

Annotation: The article deals with the main problems of comprehensive insurance of foreign investments in the economy of Uzbekistan. To date, the author has developed proposals and recommendations for improving the insurance of foreign investments. The main attention is paid to the relationship between the protection of foreign investments through insurance, in which the improvement of the current legislation, the improvement of the investment climate and the development of the insurance market play an important role.

Keywords: foreign investment, insurance, risk, political risks, investment climate, insurance rules, investment attractiveness, pandemic.

INTRODUCTION

Жаҳон иқтисодиётининг интеграцион жараёнлар натижасида иқтисодий алоқалар бўйича янги марраларга чиқиши мамлакатлар ўртасида капитал оқими ва хорижий инвестицияларнинг ҳаракатини кучайтирмоқда. Хорижий инвестициялар ҳар қандай давлат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди ва мамлакат инвестиция муҳити жозибadorлигини оширишда, хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини муносиб ҳимоя қилишда миллий ва ҳалқаро суғурта ташкилотлари олдиға ҳал этилиши долзарб аҳамиятға эға вазифаларни қўймоқда. Жаҳон суғурта бозорида 2020 йилда жами суғурта мукофотлари 6,2 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 6,9 трлн. АҚШ долларини, 2022 йилда эса 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиши прогноз қилинган [1].

Ўзбекистонға хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва самарали фойдаланишда, хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишда суғурта ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Бу ўз навбатида мамлакатда инвестиция рискларини баҳолаш ва хорижий инвестицияларни суғурталаш амалиётининг ривожлантирилишини тақозо этади.

ANALYSIS AND RESULTS

Республикамизда хорижий инвестицияларни суғурталаш борасида амалий ишлар олиб борилаётган бўлса-да, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Биринчи муаммо, мамлакат инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ички инвестицион жозибadorликни белгиловчи кўрсаткичлар даражасини оширишдир. Чунки, ҳар қандай хорижий инвестор қайси мамлакатға капитал киритишни айнан шу кўрсаткичлар (мамлакат суверен кредит рейтинги, бизнесни юритиш индекси, иқтисодий эркинлик индекси, коррупцияни қабул қилиш индекси ва бошқалар) даражасига қараб белгилайди.

Мамлакат иқтисодиёти учун асосий рисклар бўлиб - жаҳон иқтисодиётининг турбулентлиги, коронавирус пандемияси, жаҳон бозорларида рақобатнинг ортиши, узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг ижтимоий хавф-хатарларидир. Жаҳонда коронавирус пандемиясининг кескинлашуви, Афғонистон атрофидаги вазиятнинг ноаниқлигининг ортиб бориши, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ислохотларининг жадаллашишиға ўз таъсирини ўтказди.

Иккинчи муаммо, мамлакатнинг давлатлар билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида икки томонлама битимларни тузиш, хорижий инвесторлар учун яратилган ҳуқуқий режимни яхшилаш, хорижий инвестицияларни суғурта воситасида ҳимоялашға оид конунчиликни такомиллаштиришдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон деярли барча ривожланган мамлакатлар билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида икки томонлама битимларға эға (жами 51 та). Ушбу битимларни уч гуруҳға бўлиш мумкин: «биринчиси МДХ давлатлари (Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Молдаво, Россия, Туркменистон, Украина ва Беларусь), шундан томонларнинг ички тартиб-қоидаларни бажарилмаслиги бўйича 2019 йилда Беларусь давлати билан шартнома кучға кирмади, иккинчиси Европа давлатлари (Австрия, Бельгия-Люксембург иқтисодий иттифоқи, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Латвия, Литва, Нидерландия, Польша, Португалия, Руминия, Словения, Словакия, Финляндия, Швейцария, Швеция, Франция, Чехия ва Туркия), учинчиси Осиё ва Африка давлатлари (Баҳрайн, Египет, Исроил, БАА, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Қувайт ва Уммон), шундан 2000 йилда Эрон давлати томонидан ички тартиб-қоидаларни бажарилмаслиги бўйича шартнома кучға кирмади, тўртинчиси Америка давлатлари (АҚШ), шундан 1995 йилда АҚШ давлати томонидан ички тартиб-қоидаларни бажарилмаслиги бўйича шартнома кучға кирмади, бешинчиси Осиё-тинчокеани ҳудуди давлатлари (Вьетнам, Индонезия, Хитой, Жанубий Корея,

¹ Senior lecturer of the department "Valuation business and investment" TFI

Малайзия, Сингапур, Япония ва Бангладеш), шундан 2019 йилда Жанубий Корея давлати томонидан ички тартиб-қоидаларни бажарилмаслиги бўйича шартнома кучга кирмади» [2].

Инвестиция соҳасидаги кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар меъёрларини таҳлил қилиш асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида келиб чиққан хулоса шуки, бу шартномаларда иштирок этувчи давлат томонидан халқаро шартномалар меъёрларига риоя қилиш даражасини ошириш зарур. Кўпинча халқаро шартномалар нормаларининг амалга оширилиши қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, унинг вазифаси халқаро шартномалар нормаларининг қоидаларини такрорлаш эмас, балки халқаро шартномада белгиланган мақсадларга эришишдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ноижорат рискларини суғурталаш соҳасидаги хусусиятларини ҳисобга олиб, инвестицияларни ҳимоя қилишнинг асосий меъёрлари ва тамойилларига эътибор қаратамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»[3] ги қонунининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг муассислари (иштирокчилари) сифатида иш юритиши мумкинлиги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини суғурта қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган суғурта ташкилоти томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бундай чекловга бир томондан тўғри ёндошув сифатида қараш мумкин, чунки энди шаклланиб бораётган суғурта бозорида миллий суғурта компанияларининг рақобатбардошлигини таъминлаш зарур. Аммо, бир вақтнинг ўзиде миллий суғурта компанияларининг капиталлашув даражасининг паст бўлиб қолиши, илғор хориж тажрибаларини қўллаш, халқаро рейтингларни олишларида қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби суғуртага бағишланган бўлиб, ушбу бобда назарда тутилган суғуртага оид қоидалар хорижий инвестицияларни ноижорат рискларидан суғурталаш масалалари татбиқ этилиши ёки этилмаслиги тўғрисида маълумот келтирилмаган» [4]. Фақатгина «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг 50-моддасида инвестицияларни сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан суғурталаш халқаро ташкилотлар, чет эл агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб ўтилган» [5]. Суғуртанинг бу турлари тўғрисидаги қонунларда бошқача қоида назарда тутилмаган.

Учинчи муаммо, мамлакатда суғурта бозорининг етарлича ривожланмаганлиги, суғурта компаниялари капиталлашуви даражасининг пастлиги, миллий суғурта компанияларининг халқаро рейтинг кўрсаткичларини қўлга киритиши билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз суғурта бозорида 2021 йилда тўпланган суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,51 фоизни ташкил этиб, жами фаолият кўрсатаётган 42 та суғурта компанияларининг жами капитали 1,5 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткичлар АКШ, Европа давлатлари, Жанубий Шарқий Осиё ва МДХнинг айрим давлатлари кўрсаткичларидан анча пастдир. Бундан ташқари жами 42 та суғурта компаниялари орасидан фақат тўрт нафар компанияда халқаро рейтинг кўрсаткичлари мавжуд.

1-жадвал. Халқаро рейтинг агентликларининг рейтингига эга бўлган миллий суғурта компаниялари тўғрисида маълумот [6]

№	Суғурта компанияси номи	Халқаро рейтинг агентлиги номи	Рейтинг	Рейтинг бўйича прогноз	Рейтинг берилган сана
1.	«Ўзбекинвест» суғурта компанияси	Moody's Investors Service	Ba3	«Барқарор»	2019 й., 5 декабр
2.	«Кафолат» суғурта компанияси	Fitch Ratings	BB-	«Барқарор»	2020 й., 27 ноябр
3.	«Ўзагросуғурта» суғурта компанияси	Fitch Ratings	BB-	«Барқарор»	2020 й., 18 декабрь
4.	«Temiryo'l Sug'urta» суғурта компанияси	Standard&Poor's	B+	«Барқарор»	2021 й., 25 январь

Тўртинчи муаммо, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни суғурталашнинг илмий-назарий асосларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги, суғурта компанияларида инвестиция рискларини баҳолаш услубиётининг ишлаб чиқилмаганлиги ва шу соҳада малакали, халқаро доирада фаолият олиб борувчи миллий мутахассисларнинг етишмаслигидир.

Бешинчи муаммо, инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни суғурталаш соҳасида яхлит статистик маълумотлар базасининг шаклланмаганлиги, миллий суғурта бозорининг умумий аҳволи тўғрисида ахборот-

таҳлилий маълумотларни олишнинг мураккаблигидир. Бу, ўз навбатида, хорижий инвесторларга шаффоф, очик маълумотлар базасини тақдим қилишни қийинлаштиради.

Олтинчи муаммо, Ўзбекистонда инвестицияга оид низоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий механизмини тўла таъминланмаганлигидир. Ушбу муаммонинг ечими суғурта давволарини кўриб чиқиш жараёнларини тартибга солишда, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш механизмларини жорий қилишда, аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳамда хорижий инвесторларнинг суғуртага ишончини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

CONCLUSION

Юқорида қайд қилиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

биринчидан, мамлакат инвестицион жозибadorлик кўрсаткичларини яхшилаш лозим, чунки хорижий инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурталашда суғурта тарифлари айнан шу кўрсаткичларга қараб шаклланади;

иккинчидан, мамлакатнинг давлатлар билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида икки томонлама битимларни тузиш, хорижий инвестицияларни суғурта воситасида ҳимоялашга оид қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан, фуқаролик кодексининг 52 бобига янги «Махсус суғурта турларини суғурталашда умумий қоидаларни қўллаш» моддасини киритиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни комплекс суғурталаш билан шуғулланувчи суғурта компанияларини устав капиталига қўйиладиган энг кичик миқдорларни ва капиталлашув даражасини ошириш ҳамда хорижий инвестицияларни суғурталашда суғурта компанияларида инвестиция рискларини баҳолаш ва бошқариш бўйича ишни ташкил қилиш лозим;

тўртинчидан, мамлакатимизнинг суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи органи ҳузурида инвестиция фаолиятини суғурталаш мониторинги бўлимини ташкил этиш орқали инвестиция рискларини суғурталаш соҳасида хорижий инвесторларга шаффоф, очик маълумотлар базасини тақдим қилиш;

бешинчидан, илғор хориж тажрибаларидан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар рискларини Ўзбекистон иқтисодиётида суғурта воситасида бошқаришда уларни тизимлаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ана шунда умумий ҳолат кўринади ва бундай инвестиция рискларини суғурталаш ва қайта суғурталаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда жаҳон стандартлари бўйича нисбатан кичик ҳажмдаги капитал қўйилмалар билан инвестициялар сифат жиҳатидан миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий омил ролини ўйнашга имкон бермаслигини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга, аксарият потенциал инвесторларнинг фикрига кўра, инвестицияларнинг юқори даражадаги даромадлиги уларни амалга оширишдаги мавжуд рисклар ва қийинчиликларни бартараф этмасликдан озод қилмайди. Миллийлаштириш ва оммавийлаштириш билан боғлиқ рисклар энг жиддий рисклар сирасига кирсада, Ғарб инвесторларининг таъкидлашича инвестицияларни амалга ошириш қарорига қатъий таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида барча соҳаларда юқори даражадаги коррупция ва иқтисодиётнинг бюрократлашганлиги, хорижий инвесторлар фаолиятига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлувчи сиёсий қарорлар қабул қилинишига ва носоғлом рақобат муҳитини келтириб чиқарувчи омил сифатида қонунчиликнинг такомиллашмаганлигини мисол келтириш мумкин.

REFERENCES

1. Swiss Re Institute. World insurance: the recovery gains pace. <https://forinsurer.com/news/21/07/14/40018>
2. [https:// mift.uz](https://mift.uz) сайти маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/docs/180552#195958>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/4664142>
6. Международное рейтинговое агентство “Moody’s” объявило о повышении рейтинга Национальной страховой компании “Узбекинвест” до уровня “Ba3”. <https://kun.uz/ru/news/2019/12/11/mejdunarodnoye-reytingovoye-agenstvo-moodys-obyavilo-o-povyshenii-reytinga-natsional-noy-straxovoy-kompanii-uzbekinvest-do-urovnya-ba3>; Fitch подтвердило рейтинг компании Кафолат на уровне “BB-”, прогноз “Стабильный”. <https://www.fitchratings.com/research/ru/insurance/fitch-affirms-kafolats-ifs-at-bb-outlook-stable-30-11-2020>; Fitch подтвердило рейтинг компании Узагросугурта “BB-”, прогноз “Стабильный”. <https://www.fitchratings.com/research/ru/insurance/fitch-affirms-uzagrosugurta-at-bb-outlook-stable-21-12-2020>; “Temiryo'l-Sug'urta”ga Standard&Poor's агентлиги томонидан халқаро рейтинг берилди. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/29/temiryol-sugurta/>.